

## XIV. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

### 1- БЎЛИМ. АҲОЛИ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ

Аҳолининг умумий даромадлари – доимий ёки тақрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оиласаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

**Аҳолининг умумий  
даромадлари**  
**644,1**  
**трлн сўм**

**Аҳолининг умумий  
даромадлари номинал  
ўсиш суръати**  
**117,9 %**

**Аҳолининг умумий  
даромадлари реал ўсиш  
суръати**  
**107,7 %**

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, аҳолининг умумий даромадлари **644,1** трлн сўмни ташкил этди<sup>1</sup>.

Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий турларидан бири – истеъмол нархлари индекси (ИНИ)дан фойдаланилади.

Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати **107,7 %** ни ташкил этди.

**Аҳоли умумий даромадларини** ҳисоблаш – Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Статистика агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган методик қўлланма асосида амалга оширилади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда “Аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш бўйича услугий низом” асос бўлиб хизмат қиласади.  
<https://lib.stat.uz>

<sup>1)</sup> Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишидан олинган даромадлар норасмий иктиносидиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **17,4** млн сўмни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг номинал ўсиш суръати **115,5 %** ни ташкил этди.


Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати **105,5 %** ни ташкил этди.



**Аҳоли умумий даромадларини** ҳисоблашда Статистика агентлиги ҳисботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2020 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, аҳоли жон бошига умумий даромадлар **9,1** млн сўмни ташкил этган, 2024 йилга келиб бу кўрсаткич деярли икки баравар кўпайди.

#### Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий даромадлар 2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойлари<sup>1</sup> (минг сўм)



<sup>1)</sup> 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган. Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишидан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Аҳоли жон бошига умумий даромаднинг номинал ўсиш суръати **110,0 %** дан 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **115,5 %** ни ташкил этди.

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий  
даромадларнинг ўсиш суръатлари  
2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида<sup>1</sup> (%) да)**



**Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби**



<sup>1</sup>) 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби  
ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати  
2023-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида**

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг **73,5 %** ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, **26,5 %** и трансферлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келди.

Кўрсаткичлар	Жамига нисбатан, % да		Ўсиш суръати, % да
	2023 й. 1	2024 й.	
<b>Умумий даромадлар – жами (I+II)</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>117,9</b>
I. Бирламчи даромадлар	73,0	73,5	118,7
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	70,3	70,0	117,5
I.1.1. Мехнат фаолиятидан олинган даромадлар	63,8	62,8	116,2
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	27,6	27,5	117,4
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	36,2	35,3	115,3
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	6,5	7,2	130,7
I.2. Мол-мулқдан олинган даромадлар	2,7	3,5	148,6
II. Трансферлардан олинган даромадлар	27,0	26,5	115,9

**Аҳоли бирламчи даромадлари** ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадлардан ташкил топади.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг **62,8 %** и) шаклланди, ҳамда номинал ўсиш суръати 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **116,2 %** ни ташкил этди.

<sup>1)</sup> 2023 йил январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуси **7,2 %**, мол-мулқдан олинган даромадларнинг улуси **3,5 %**, трансферлардан олинган даромадлар улуси **26,5 %** ни ташкил қилди.

**Аҳоли умумий даромадлари таркиби  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)**

Бирламчи даромадлар



Худудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадларининг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуси Навоий вилоятида (**78,3 %**) кузатилди. Аксинча Сурхондарё, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Хоразм, Самарқанд, Андижон ва Фарғона вилоятларида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадларнинг улуси сезиларли даражада бўлмасада, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуси **22,9 %** ни ташкил этди.

Шунингдек, трансферлардан олинган даромадларнинг улуси Андижон, Фарғона, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан **30 %** дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуси энг паст яъни, **12,0 %** ни ташкил этди.

<sup>1</sup>) Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишида банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)




- Меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар
- Трансфертлардан олинган даромадлар
- Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадлар

**Мехнат фаолиятидан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равища банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.**

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар **62,8 %** ни ташкил қилди, 2020 йилда эса бу кўрсаткич **67,1 %** ни ташкил этган.

**Мехнат фаолиятидан олинган даромадлар<sup>1</sup>  
2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ҳолатига (% да)**



**Мустақил равища банд бўлишдан олинган даромад** – мустақил равища ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадлар **35,3 %** ни ташкил қилди, 2020 йилда эса бу кўрсаткич **40,7 %** ни ташкил этган.

Жорий даврда мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **115,3 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **5,5 %** га ўсишини таъминлади.

<sup>1</sup>) 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган. Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишида банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг  
умумий даромадлар таркибидаги улуши ва ўсиш суръати  
2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ҳолатига<sup>1</sup> (% да)**



**Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг  
ўсиш суръати**

**Жами мустақил равишда банд бўлишдан  
олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши,  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)**



Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Тошкент – **11,0 %**, Самарқанд – **11,0 %**, Андижон – **9,3 %** ва Қашқадарё – **9,3 %** вилоятлари хиссасига тўғри келди. Аксинча Сирдарё вилояти – **2,3 %**, Коракалпогистон Республикасида – **3,6 %**, Жиззах вилоятида – **5,0 %** ва Навоий вилоятида – **5,1 %** камроқ улушни ташкил этди.

<sup>1</sup>) Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар норасмий иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланди.

Ҳудудлар бўйича мустақил равища банд бўлишдан олинган  
даромадларнинг ўсиш суръати ва аҳоли умумий даромадлари таркибидаги  
улуси 2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)

Қорақалпогистон Респ.



Ҳудудларда мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадларнинг энг юкори улуси Жиззах вилоятида **52,3 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **114,2 %** ни ташкил этди.

Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадларини **7,5 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида мустақил равища банд бўлишдан олинган даромадлар улуси **46,4 %** ни ва ўсиш суръати **114,1 %** ни ташкил этди ва аҳоли умумий даромадларининг **6,7 %** га ўсишини таъминлаб берди.

**МАЪЛУМОТ УЧУН:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириши тўзгрисида”ги ПФ-196-сон Фармонига мувофиқ, аҳоли турмуши даражасини оширишига қаратилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтириши, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб боршии сиёсатини давом эттириши ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириши мақсадида 2023 йилнинг 1 декабридан бошлаб, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва нафақалар миқдори 7 фоизга оширилди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсишини ахоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири 2024 йил январь-сентябрь ойларида (%) да)



Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг **0,35%** га ўсишига олиб келди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг ахоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири 2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (%) да)



Ёлланма ишчиларнинг даромади бу – меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) кисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар қўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш

### Аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши ва ўсиш суръати

2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида (%) да)




2023 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари **27,5 %** ни ташкил қилди. Камроқ улуши 2021 йилда – **25,4 %** ни ташкил этган.

### Ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати **117,4 %** ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **4,8 %** га ўсишини таъминлади. Бу кўрсаткич 2023 йилда – **120,1 %**, 2022 йилда – **128,1 %**, 2021 йилда – **118,8 %**, 2020 йилда – **114,9 %** ни ташкил этган.

### Жами ёлланма ишчиларнинг даромадларида ҳудудларнинг улуши, 2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (%) да)



Ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг  
ўсиш суръати ва аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши  
2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)

Тошкент ш.

**125,8**



**50,5**

Самарқанд

**118,2**



**17,6**

Андижон

**116,5**



**19,0**

Жиззах

**115,3**



**22,1**

Навоий

**115,2**



**39,4**

Қорақалпоғистон Респ.

**113,7**



**28,7**

Тошкент

**112,9**



**29,7**

Сирдарё

**112,6**



**27,2**

Фарғона

**112,4**



**19,9**

Хоразм

**112,1**



**18,9**

Наманган

**111,2**



**19,4**

Қашқадарё

**110,5**



**18,8**

Сурхондарё

**110,1**



**18,0**

Бухоро

**109,4**



**19,7**

**Ўсиш суръати**

**Улуши**

Ёлланма ишчилар даромадларининг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (**125,8 %**) ва Самарқанд вилоятида (**118,2 %**) қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил қиласидаган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига караб, сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши **50,5 %** ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **125,8 %** ни ташкил этди.

Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи Тошкент шаҳри аҳолиси умумий даромадларининг **13,1 %** га ўсишини таъминлаб берди.

Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши **39,4 %** ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **115,2 %** ни ташкил этди. Биргина шу турдаги даромадларнинг ўзи аҳоли умумий даромадларининг **6,1 %** га ўсишини таъминлаб берди.

**Ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига  
таъсири 2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)**



Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиши аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг **4,8 %** га ўсишини таъминлади.

**Ҳудудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг 1 % га  
ўсишини аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири  
2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)**



Ёлланма ишчилар даромадларининг **1 %** га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг **0,27 %** га ўсишига олиб келди.

**Мол-мулқдан олинган даромадлар** (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошقا шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликлари тушган тушумлар тушунилади.

Шу билан бирга аҳоли даромадлари манбаларида мол-мулқдан олинган даромадлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, 2024 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли даромадларидаги улуши **3,5 %** ни ташкил этди.

### Мол-мулқдан олинган даромадлар 2024 йил январь-сентябрь ойларида



Дастлабки маълумотлар бўйича, 2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, мол-мулқдан олинган даромадлар **22,2 трлн сўмни** ташкил этди. Жорий даврда мол-мулқдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг **1,3 %** га ўсишини таъминлadi.

### Мол-мулқдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидағи улуши ва ўсиш суръати<sup>1</sup> 2020-2024 январь-сентябрь ойларида (% да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг умумий даромадлари таркибида мол-мулқдан олинган даромадлар **3,5 %** ни, 2020 йилда **2,1 %** ни ташкил қилди.

Жорий даврда мол-мулқдан олинган даромадларнинг ўсиш суръати **148,6 %** ни ташкил этди.

<sup>1</sup>) 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

## **Мол-мулқдан олинган даромадлар таркибида ҳудудларнинг улуши 2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)**

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида мол-мулқдан олингандаромадлар хажмининг учдан икки қисми улуши Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, **63,6 %** ни ташкил этди. Навоий (**5,7 %**), Тошкент (**5,2 %**), ва Фарғона (**5,2 %**) вилоятлари кейинги юқори улушга эга бўлган худудлар ҳисобланади.



## Мол-мулқдан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидағи улуси 2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)



**Трансферлар бу – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.**

**Трансферлардан олинган даромадлар  
2024 йил январь-сентябрь ойларида**



Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансферлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансферлар ва бошқа жорий трансферларни ўз ичига олади.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига кўра, трансферлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **115,9 %** ни ташкил этди.

**Трансферлардан олинган даромадларнинг умумий даромадлар таркибидаги улуси ва ўсиш суръати  
2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида (%) да)**



Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансферлардан олинган даромадларнинг улуси **26,5 %** ни, 2020 йилда **23,4 %** ни ташкил этди.

■ Трансферлардан олинган даромадларнинг ўсиш суръати

Трансфертлардан олинган даромадлар таркиби,  
2020-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида<sup>1</sup> (% да)



Ижтимоий трансферлар таркиби  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)



Кузатилаётган даврда ижтимоий трансферларнинг ўсиш суръати **108,5 %** ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансферлар таркибида **80,0 %** улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

2023 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари **117,0 %** ни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши ахоли умумий даромадларининг **0,9 %** га ўсиши имконини берди.

Ижтимоий трансферларнинг  
ўсиш суръатлари 2024 йил  
январь-сентябрь ҳолатига (% да)



**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оиласаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талabalariiga тўланадиган хар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

<sup>1</sup>) 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган ўшилик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

**Худудлар бўйича ижтимоий трансферларнинг ўсиш суръатлари  
ва ахоли умумий даромадлари таркибидаги улуши  
2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)**

Навоий

113,2

8,6

Тошкент

113,0

10,7

Тошкент ш.

112,3

5,8

Бухоро

111,7

9,0

Фарғона

108,5

11,1

Хоразм

108,5

9,2

Сирдарё

107,8

12,9

Самарқанд

107,6

10,7

Қорақалпоғистон Респ.

107,2

13,8

Андижон

107,2

9,1

Жиззах

106,9

10,1

Қашқадарё

106,8

11,8

Наманган

105,5

11,3

Сурхондарё

102,5

10,9

Ўсиш суръати

Улуши

Бундан ташқари, Сирдарё вилоятида ижтимоий трансферларнинг улуши **12,9 %** ўсиш суръати билан **107,8 %** ни, Қашқадарё вилоятида ўсиш суръати **106,8 %** ни улуши эса **11,8 %** ни ташкил этди.

Ижтимоий трансферларнинг энг паст улуши Бухоро (**9,0 %**), Навоий (**8,6 %**) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (**5,8 %**) қайд этилди.

Ижтимоий трансферларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан худудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Навоий (**113,2 %**) вилоятида, Тошкент (**113,0 %**), Тошкент шаҳрида (**112,3 %**), Бухоро (**111,7 %**) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикасида ахоли умумий даромадлари таркибида ижтимоий трансферларнинг улуши **13,8 %** ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати **107,2 %** ни ташкил этди.

Пенсиялар ва нафақаларнинг ўсиш суръатлари  
2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига  
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан % да)



Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг катта қисми (44,1 % и) Тошкент шахри (13,0 %), Тошкент (10,4 %), Фарғона (10,4 %) ва Самарқанд (10,3 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шахрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати 113,7 % ни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида 116,4 %, Фарғона вилоятида 116,8 % ва Самарқанд вилоятида 117,7 % ни ташкил этди.

Ижтимоий трансферларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 18,3 % ни ташкил этди. Дастребни маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида стипендияларнинг ижти-моий трансферлар таркибидаги улуши 1,7 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,7 % га ўсди.

**Бошқа жорий трансферлар**

Бошқа жорий трансферлар ҳажми чет элдан юборилган пул ўтказмалари таркибидан жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш (бизнес) фаолиятидан олинадиган даромадлари билан боғлик ўтказмаларини (Марказий банк ва уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари асосида) чиқариб ташланган ҳолда келтирилган.


2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари бўйича бошқа жорий трансферлар таркибида киравчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 120,6 % ни ташкил этиб, ахоли умумий даромадлари таркибидаги улуши 16,9 % ҳисобида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,4 % пунктга ошди.

**Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига (% да)**

Андижон	<b>28,5</b>	Наманган	<b>18,0</b>
Фарғона	<b>26,3</b>	Қорақалпоғистон Респ.	<b>14,9</b>
Хоразм	<b>24,5</b>	Тошкент ш.	<b>11,2</b>
Самарқанд	<b>22,3</b>	Сирдарё	<b>9,7</b>
Сурхондарё	<b>21,1</b>	Жиззах	<b>7,6</b>
Қашқадарё	<b>18,6</b>	Тошкент	<b>4,3</b>
Бухоро	<b>18,4</b>	Навоий	<b>3,4</b>


**2- БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ  
ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича  
аҳоли жон бошига ўртacha умумий даромадлар ҳажми  
2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига (минг сўм)**




Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртacha умумий даромадлар **17,4** млн сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ўртacha умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (**40,1** млн сўм), Навоий (**27,6** млн сўм), Бухоро (**20,1** млн сўм) ва Тошкент (**17,9** млн сўм) вилоятларида ўртacha республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

**Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича  
аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажмининг ўзгариши<sup>1</sup>  
2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ҳолатига (млн сўм)**



<sup>1</sup>) 2022-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниqlаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача  
умумий даромадларнинг реал ўсиш суръатлари<sup>1</sup>  
2022-2024 йилларнинг январь-сентябрь ойларида (% да)



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Тошкент шаҳри (**10,5 %**), Андижон вилояти (**7,6 %**) ва Самарқанд вилоятига (**6,5 %**) тўғри келди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари **588,1** трлн сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **107,7 %** га ўсди, аҳоли жон бошига эса **15 862,6** минг сўмни ва ўсиш суръати **105,5 %** ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (**36 121,5** минг сўм) кузатилди.

Шунингдек, Навоий (**25 392,1** минг сўм), Бухоро (**18 223,5** минг сўм) ва Тошкент (**16 330,7** минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.

<sup>1</sup>) 2022-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта ҳисобланган.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида  
аҳолининг реал умумий даромадлари  
2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида

	<b>Жами, млрд сўм</b>	<b>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да</b>	<b>Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм</b>	<b>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>588 147,7</b>	<b>107,7</b>	<b>15 862,6</b>	<b>105,5</b>
Қорақалпоғистон Респ.	22 232,1	105,2	11 046,4	103,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	51 108,1	109,9	14 943,9	107,6
Бухоро	37 471,2	104,8	18 223,5	103,1
Жizzах	19 838,2	105,3	13 060,9	103,1
Қашқадарё	44 158,9	106,3	12 302,2	104,0
Навоий	27 489,5	108,4	25 392,1	106,4
Наманган	36 143,7	104,5	11 694,4	102,2
Самарқанд	56 509,7	108,8	13 321,8	106,5
Сурхондарё	34 818,3	104,0	11 996,0	101,5
Сирдарё	11 796,8	105,8	12 817,1	103,8
Тошкент	50 189,0	106,5	16 330,7	104,4
Фарғона	53 175,5	103,4	12 993,1	101,3
Хоразм	31 895,4	108,1	15 881,8	106,1
Тошкент ш.	110 824,3	113,4	36 121,5	110,5

**Аҳолининг реал умумий даромадлари бу** – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

**Аҳоли ихтиёридаги даромад** – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

**Худудлар бўйича аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг  
реал ўсиш суръатлари 2024 йил январь-сентябрь ойларида**  
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар **588,1** трлн. сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати **107,0 %**), аҳоли жон бошига эса **15 862,4** минг сўмни (реал ўсиш суръати **104,8 %**) ташкил этди.

Андижон вилояти (**110,4 %**), Тошкент шаҳар (**110,3 %**), Самарқанд (**109,1 %**), Навоий (**108,4 %**) ва Хоразм (**108,2 %**) вилоятларида аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Худудлар бўйича таҳлил қиласидаги бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (**30 623,4** минг сўм) хамда Навоий (**25 918,5** минг сўм), Бухоро (**19 223,3** минг сўм), Тошкент (**16 731,4** минг сўм) ва

Хоразм (**16 645,8** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2024 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига кўра, аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар **537,1** трлн сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса **14 484,9** минг сўмни ташкил этди.

**Аҳоли жон бошига ихтиёридаги реал умумий даромадлар  
2024 йил январь-сентябрь ҳолатига**  
(2023 йилнинг мос даврига нисбатан % да, ҳажми минг сўмда)

<b>10 400,6</b>	
Қорақалпоғистон Респ.	<b>104,0</b>
<b>14 158,2</b>	
Андижон	<b>108,1</b>
<b>17 403,0</b>	
Бухоро	<b>103,2</b>
<b>12 469,0</b>	
Жиззах	<b>103,1</b>
<b>11 779,9</b>	
Қашқадарё	<b>104,0</b>
<b>23 888,0</b>	
Навоий	<b>106,4</b>
<b>11 176,8</b>	
Наманган	<b>103,0</b>
<b>12 655,8</b>	
Самарқанд	<b>106,8</b>
<b>11 534,5</b>	
Сурхондарё	<b>101,5</b>
<b>12 146,5</b>	
Сирдарё	<b>103,7</b>
<b>15 303,6</b>	
Тошкент	<b>104,9</b>
<b>12 098,0</b>	
Фарғона	<b>99,9</b>
<b>15 271,4</b>	
Хоразм	<b>106,2</b>
<b>27 561,3</b>	
Тошкент ш.	<b>107,5</b>

Ҳажми                          Ўсиши суръати


Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадлар Қорақалпоғистон Республикасида (**10 400,6** минг сўм), Наманган (**11 176,8** минг сўм), Сурхондарё (**11 534,5** минг сўм) ва Қашқадарё вилоятларида (**11 779,9** минг сўм) худудлар бўйича энг паст кўрсаткич кузатилган бўлса, Тошкент шаҳри (**27 561,3** минг сўм), Навоий (**23 888,0** минг сўм), Бухоро (**17 403,0** минг сўм), Тошкент (**15 303,6** минг сўм) ва Хоразм (**15 271,4** минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори ўсиш суръати Андижон вилоятида (**108,1 %**) қайд этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар (**107,5 %**), Самарқанд (**106,8 %**), Навоий (**106,4 %**), Хоразм (**106,2 %**) ва Тошкент (**104,9 %**) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

**3- БЎЛИМ. УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТАРКИБИДА  
КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАР УЛУШИ**

2024 йилнинг январь-сентябрь ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуси **58,5 %** ни ташкил этди.

Кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуси<sup>1</sup> (% да)



<sup>1</sup>) 2020-2023 йиллар январь-сентябрь ойлари учун аниқлаштирилган йиллик маълумотлар асосида қайта хисобланган.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини таомиллашириши, ишибилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-5087-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

**Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида  
кичик тадбиркорлиқдан олинган даромадларнинг улуши,  
2024 йил январь-сентябрь ойларида (% да)**



Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорлиқдан олинган даромадлар Жizzах (67,7 %), Бухоро (65,3 %), Наманган (63,0 %) ва Самарқанд (62,6 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади. Тошкент шаҳри (47,8 %) 50 % дан кам улушни ташкил этди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Аҳоли умумий даромадларини** ҳисоблашда статистика ҳисботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий банк, Халқ банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

**Аҳолининг умумий даромадлари** доимий ёки тақорорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

**Аҳолининг бирламчи даромадлари** ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулқдан олинган даромадлардан ташкил топади.

**Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга** меҳнат фаолиятидан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

**Меҳнат фаолиятидан олинган даромад** ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишида банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

**Ёлланма ишчиларнинг даромади** бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

**Мустақил равишида банд бўлишдан олинган даромад** – мустақил равишида ташкиллашибилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар.

**Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга** бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишида ҳисобланган қиймати киради.

**Мол-мулқдан олинган даромадлар** (мулкий даромадлар) деганда мулкий эгалик қилиш хукуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланилаётган беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

**Фоизлар** – банк ҳисоб-ракамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қофозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

**Дивидендлар** – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

**Муаллифлик ҳақи** – яратилган адабий асарлар, ихтиrolар ва муаллифлик хуқуки берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

**Рента** – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлари.

**Трансфертлар** – уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

**Пенсиялар** – қонунчиликда назарда тутилган, яъни маълум бир ёшга етганилиги, ногиронлик, бокувчисини йўқотганилиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Нафақалар** – қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганилик, оғир моддий ахвол, болали оиласларни кўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари.

**Стипендия** – олий таълим муассасаларининг талabalariга тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўкув грантлари.

**Бошқа жорий трансфертларга** уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

**Аҳолининг реал умумий даромадлари бу** – аҳолининг номинал умумий даромадларини тегишли давр учун истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланадиган нисбий кўрсаткич.

**Аҳоли ихтиёридаги даромад** – умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йигимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.

**Аҳолининг ихтиёридаги реал умумий даромадлари** – бу аҳолининг ихтиёридаги умумий даромадларининг номинал ўсиш суръатларини тегишли даврдаги товарлар ва хизматлар истеъмол нархлари индексига бўлиш йўли билан ҳисобланган нисбий статистик кўрсаткич.